



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 23 июнь, № 123 (5543)

Шанба

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



**Истиқлол!**  
Бугун бу сўз ҳар биримизга олам-олам қувончу шодлик бахш этади. Онгу шууримизда бахтиёрлик ва бугунги ҳаётимиздан шукроналик ҳисси уйғонади.

кўриш ва уни ўтказиш бўйича қабул қилган қарори юксак аҳамиятга эга. Унда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" деган эзгу гоёна ифода этувчи ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш белгиланганлиги ҳар бир ватандошимизни Истиқлол мазмун-моҳиятини янада чуқур англашга ундайди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодий-ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар халқро ташкилотлар, танкили экспертлар эътирофига сазовор бўлаётгани юртимизнинг ривожланган давлатлар сафига тобора яқинлашаётганини кўрсатмоқда. Биргина мисол, Халқро валюта жамғармаси миссияси: "Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар қўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир", деб баёнот берди. Мазкур баёнотнинг асоси бюджетнинг даромад манбаини мустақамлаш, ижро интизомини кучайтириш, қолаверса,

(Давоми 2-бетда.)

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ва ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш ҳамда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама барқамол вояга етказишга қаратилган кенг миқёсдаги чора-тадбирлар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасига иқтисослаштирилган халқро ташкилотлар вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда.

### «Ўзбек модели» дунёнинг кўплай мамлакатларида диққат билан ўрганилиши ва жорий этилишига аминман»

"Жаҳон" ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбатда "Operation Smile" халқро тиббиёт ташкилотининг Сингапур бўлими раиси ўринбосари Винсент Йау мазкур ташкилот вакиллари ҳар йили Ўзбекистонлик шифокорлар билан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига тиббиёт сафарлари чораси билан мамлакатимизнинг юртимизга келишини ва ушбу сафарлар чоғида болалар учун бепул жарроҳлик амалиётлари ўтказилишини маълум қилди.

Винсент Йау Ўзбекистонга амалга оширган дўстона ташрифлари чоғида республикада ижтимоий соҳа ва соғлиқни

сақлаш тизимини жадал ҳамда изчил ривожлантириш борасида эришилган муваффақиятларга шохид бўлганини таъкидлади. "Мамлакатимизда тиббиёт муассасаларини энг янги юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш механизмлари кенг жорий этилмоқда, — деди у. — Ёш авлодни тарбиялаш ва ривожлантириш сингари масалаларда давлат билан бир қаторда, жамоатчилик институтлари ҳам муҳим ўрин тутаётгани, айниқса, диққатга сазовордир".

(Давоми 2-бетда.)

### Мамлакатимизда:



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

#### Тошкент

Академик В. Воҳидов номидаги Республика Иқтисослаштирилган хирургия марказида "Мамлакатимизда замонавий тиббиёт объектларини қуриш борасида эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар" мавзuida республика семинари бўлиб ўтди.

#### Соғлиқни сақлаш тизимининг янги истиқболлари

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Молия, Иқтисодий вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳ-

барлари, вилоят ҳокимликлари ҳузурдаги ва Тошкент шаҳридаги инжиниринг компаниялари вакиллари қатнашди.

(Давоми 2-бетда.)

#### Жиззах

Вилоят марказидаги "Vip lux invest" МЧЖда банкнинг 81,7 миллион сўм маблағи ҳисобига махсус кийим ва кўкрак нишонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

#### Буюртмалар кўпайди

Маҳсулотлар нархи ҳамда сифати билан миқдорларга манзур бўлмоқда. Қисқа муддатда таълим муассасаларидан 100 миллион сўмлик буюртма қабул қилиниб, улар харидорларга пешма-пеш етказилаётгани бунинг далолатидир.

— Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида 8 та дастгоҳга буюртма бердик, — дейди корхона раҳбари Руслан Қаймов. — Бу ишлаб чиқариш ҳажминини икки баробарга ошириш имконини яратди.

Айтиш лозимки, жорий йилнинг ўтган даврида шаҳарда 14 та саноат корхонаси иш бошлади. Ушбу лойиҳалар учун салкам бир миллиард сўмлик банк сармояси йўналтирилди.

У. АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

#### Сурхондарё

Шўрчи туманидаги "Бек ҳикмат" хусусий корхонаси банкдан ажратилган 100 миллион сўмлик маблағ эвазига технологик жиҳатдан янгиланди.

#### Модернизация учун сармоя

Натижада бу ерда ишлаб чиқарилаётган нон ва қандолат маҳсулотлари ҳажми ошиб, сифати яхшиланди. Айни пайтда 10 нафар киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 100-110 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

Вилоятда жорий йилда

Н. ТЕМИРОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

#### Тошкент вилояти

Бекобод шаҳридаги "Сайёра орзу" МЧЖга молия муассасаси томонидан 2,5 миллиард сўмлик сармоя ажратилгач, у илғор технологиялар билан жиҳозланди.

#### Худудий дастур шарофати

Натижада бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми 11 баробарга кўпайди, яъни жорий йилнинг 5 ойи мобайнида 4 миллиард 400 миллион сўмлик иш бажарилди.

Умуман, иқтисодий ночор ва камқувватли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича қабул қилинган худудий дастурга мувофиқ, жорий йилда вилоятдаги 102 та корхонага 186,4 миллиард сўмлик сармоя киритиш ҳамда уларда йил охиригача 786 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаш ва хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, бунинг самараси ўларок, 3 мингта иш ўрни яратилди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## Қадри бебаҳо, иқболи ёруғ, жамоли тенгсиз

Зеро, ҳаёт яралибдики, бу она-замин, бу жафокаш олам не-не синоатларни бошидан кечирди. Инсоният қанчадан-қанча талафотларга дуч келди. Асрлар алмашди, йиллар ўтди, замон ўзгарди, давр янгиланди. Аждодларимизнинг асрий орзуси — Истиқлол қўёши бошимиз узра порлади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида нафақат ўз ўрнини топди, балки тинчликсевар сиёсати билан довруқ қозонди. Хар бир жабҳада ўзига хос ва мос йўлдан бориб, беш тамойилга асосланган, дунёда "Ўзбек модели" сифатида танилган миллий та-

раққиёт йўлимиз — забт этган марраларимиз, оламшумул муваффақиятларимиз ҳар биримизга гурур ва ифтихор бахш этади.

Истиқлол йилларида янги ҳаёт, янги жамият, янги давр қарор топди. Унинг инъикоси шаҳару қишлоқларимиз ободлигида, халқимиз фаровонлигида, ёш авлоднинг бахту саодатида яққол акс этди. Демак, Мустақиллик, бу — иқбол, бебаҳо неъмат, қадр ва қиммат, эзгулик ва ёруғлик, орзу-умидлар тантанасидир. Шу маънода, Президентимизнинг Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сана — истиқлол байрамининг 21 йиллигига тайёргарлик

### Тадбир

Хоразм Маъмур академиясида Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсидан келиб чиқадиган хулосалар асосида "Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Амир Темур ва теурийлар меросининг тутган ўрни" мавзuida илмий-амалий видеоконференция бўлиб ўтди.

### Аждодлар ибрати

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Халқро Амир Темур жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Хоразм Маъмур академияси ва Урганч давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуманда Халқро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва бошқалар мамлакатимизда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида маънавий ҳаётимизда рўй берган ислохотлар хусусида тўхталди.

Мазкур илмий-амалий видеоконференцияда Урганч давлат университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали профессор-ўқитувчи ҳамда талабаларининг онлайн алоқа воситаси орқали иштирок этишлари анжуман доирасида талабаларнинг кенг қатламини қамраб олиш имконини яратди.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими вази-фасини бажарувчи П. Бобожонов иштирок этди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## Қулай, сифатли ва замонавий

спорт маҳсулотлари ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом вояга етишида муҳим аҳамиятга эгадир



Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси залида "Спорт ускуналари, инвентарь ва кийимлар" республика кўргазмаси очилди.

### Кўргазма



Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилди. Унда турли спорт товарлари, инвентарлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган мамлакатимиз компания, фирма ва корхоналари иштирок этмоқда.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

## ОАВ равнақининг муҳим омили

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг мустақиллик йилларида шаклланиши, ривожланиши ва соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

### Анжуман

Маълумки, юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда тахририятларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

концепциясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, бу борара муайян ишлар амалга оширилмоқда. Натижада ўтган давр ичида оммавий ахборот воситалари сони изчил кўпайди. Хусусан, 1991 йилда улар 395 тани ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 1292 тага етди. Шундан 775 таси, яъни 60 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

(Давоми 2-бетда.)

### Хушхабар

Шу йилнинг 27 июль — 12 август кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилувчи спортчилар сони яна биттага кўпайди.

## Лондонга яна битта йўлланма



Хусусан, енгил атлетика бўйича халқро турнирда қатнашган ҳамюртимиз Артём Дятлов 400 метрга тўсиқлар оша югуриш беллашувида маррага биринчи бўлиб етиб келиб, мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. У бу масофани 49,78 сонияда босиб ўтди.

Шу тариқа нуфузли мусобақада Ўзбекистон шайини ҳимоя қилаётган спортчилар сони

56 нафарга етди.

Лекин бу ҳали якуний миқдор эмас. Чунки Олимпиада бошланишига қадар бир қатор нуфузли спорт ташкилотлари қўшимча йўлланмалар ажратиш борасида ўз хулосаларини билдириш қутилмоқда.

Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.

## Спорт билан шуғулланадиган болалар сафи кенгаймоқда

Кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб

35 фоизга ўсди.

Бу республикада болалар спортини ривожлантириш, уни ёшлар ўртасида умуммиллий ҳаракатга айлантириш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, уч босқичли спорт ўйинлари мунтазам ўтказиб келинаётганининг амалий самарасидир.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

кич бизнес ва хусусий тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш, реал сектор тармоқларини модернизация қилиш, банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши мамлакатимизда бюджет профичити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлигида ўз ифодасини топди.

Ортимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, "Женерал Моторс Павертэйн Узбекистон" қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиغان лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди. Узбекистон миллий автомобиль магистрални қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизиблиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухородаги аэропортларнинг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди. "Тошкент — Самарқанд" йўналишида юқори тезликда ҳаракат қиладиган "Талго-250" йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам аҳоли турмуш тарзи бутунлай ўзгарди. Хусусан, сўнгги икки йил давомида 15 миңдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойларга эга бўлди.

Фақат 2011 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 миң квадрат метрга тенг бўлган 7 миң 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бунинг учун 576 миллиард сўмлик ортиқ инвестициялар йўналтирилди.

Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги арафасида юртимиз

ча ҳудудларида аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланишига, қишлоқ жойларда инфратузилмалар объектларининг кенгайишига хизмат қилади.

Бугун Истиклолнинг йигирма биринчи доводанимизки, ортга қайрилиб қарасак, оламшумул ютуқларга эришган навқирон мамлакатимизнинг мағрур одимлар ила ке-

ва тахлилчилардан иборат қарийб 300 нафар мутахассис иштирок этди. Ана шундай нуфузли меҳмонлар гувоҳлигида Ҳаҷон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Чен сўзга чиқиб, Узбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига, шу жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишга улкан эътибор қаратилаётгани нафа-

здик. Бугун ўз сўзимиз, ишимиз, иқтидоримиз билан фахрланаяпмиз. Азаллий қадриятимизни тикланди. Улуғ ота-боболаримизнинг қадимжолари обод масканга айланган. Юртимизнинг ҳар бир вилоятда юзлаб маҳаллий ва қўшма корхоналар барпо этилди. Узбекистонда ишлаб чиқарилаётган машиналар — "Каптив", "Эпика", "Такума", "Ласетти", "Нексия", "Дамас", "Матиз", "Спарк" нафақат кўчаларимизни тўлдирди, балки хорижда ҳам доврқ қозонди.

Истиклол йилларида мамлакатимизнинг барча гўшалари, айниқса, пойтахтимизда бири-бирдан кўркам боғлар, муҳташам иншоотлар барпо этилаётгани, ушбу бунёдкорлик ишлари азим шахримизни замонавий мегаполисга айлантирди. Пойтахтнинг Эски шаҳар қисмидаги ўзгаришлар, Ҳасимов мажмуасининг кўрки ва донги, Мустиқиллик майдонидаги Эгулик аркаси, унга рўбарў эгизак бинолар — Тасвирий санъат галереяси ҳамда Ёшлар ижод саройи, "Узбекистон" халқаро анжуманлар саройи, муҳташам "Маърифат маркази" бош шаҳримизга ташриф буюрадиган ҳар қандай меҳмоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб этади.

қат бугунги кун, балки келажак нуқтаи назаридан ҳам энг тўғри стратегия эканини алоҳида таъкидлади. Худди шундай эътирофлар таълим соҳасида ўтказилган халқаро конференцияда ҳам бот-бот тилга олинди.

Бундан қувонмай бўладими?! Кечагина дунё мамлакатлари сафида ўз Конституциямизга, Байроғимизга, Гербимизга, Мадҳиямизга эга бўлганимиз учун қувонган

лаҳаж сари дадил бораётганини яққол англаймиз. Инсон ва унинг манфаатлари устувор саналган, эл саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, она ва бола соғлиғига алоҳида эътибор билан қаралаётган юртининг келажиги буюк бўлиши, шубҳасиз. Бу пойтахтимизда бўлиб ўтган "Узбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги халқаро симпозиум меҳмонларининг эътирофидир.

Симпозиумда ЖССТ, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АКШ, Хитой, Россия, Канада, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Франция, Финляндия, Швейцария, Чехия, Дания, Жанубий Корея каби қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирилари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт

Бундай бунёдкорлик ишларининг барчаси келажак учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Шунини ишонч билан айта оламизки, эртанги кунимизнинг бугунгидан-да ёруғ бўлмоғи учун кафолат бор. Зеро, олиб борилаётган улкан ислохотлар дилда ана шундай ишончнинг уйғотмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз буюк келажак йўлида бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилаётган заҳматкаш халқимизнинг имкониятларидан келиб чиқиб: "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз", дея айтган эдиларки, ўз ўрнида бу сўзлар ҳар бир юртдошимиз учун шioriга айлиниб улгурди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, Қобил ХИДИРОВ.

## «Ўзбек модели» дунёнинг кўплаб мамлакатларида диққат билан ўрганилиши ва жорий этилишига аминман»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

В. Йау ўзбекистонлик шифокорларнинг тайёргарлик даражасини юқори баҳолади. Унинг фикрича, юртимиз тиббиёт ходимлари ўз ишонч устаси бўлгани ҳолда, бор билим ва тажрибасини бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, уларга қувонч ҳада этиш йўлида қўлламоқдалар.

"Operation Smile" ташкилотининг Сингапур бўлими ижрочи директори Абхимоно Талудор эса мамлакатимизга ташрифи мубайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмагида Тошкент педиатрия институтини ходимлари билан ҳамкорликда юзлаб ўзбекистонлик болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга табассум ва қувонч бахш этишга муяссар бўлганини айтди.

Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистонда "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Баркамол авлод йили" ҳамда "Мустақкам оила йили" сингари дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган давлат дастурлари доирасида амалга оши-

риллаётган ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар алоҳида эътиборга моликдир. "Мазаку чора-тадбирлар Ўзбекистон раҳбарияти ёш оилаларнинг яхши ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароитларни яратиши ҳамда ўсиб келаётган авлоднинг тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратаётганидан далолат беради", деди у.

Сингапурлик мутахассиснинг фикр билдиришича, Ўзбекистонда баркамол авлоднинг тарбиялаш ва оила институтини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳаётга таъбиқ этилаётган давлат дастурларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. "Яқин келажакда ижтимоий ҳимоя, кафолатли тиббий ёрдам, оила институтларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш бўйича оқилона ҳамда самарали чора-тадбирларни ўз ичига олган "Ўзбек модели" дунёнинг кўплаб мамлакатларида диққат билан ўрганилиши ва жорий этилишига аминман", дея ўз фикрини яқунлади А. Талудор.

«Ҳаҷон» АА. Сингапур

## Қисқа сатрларда

● ҚИЗИЛТЕПА туманидаги "Асл пойабзал" корхонасида бажарилган техник ва технология янгиланишлар туфайли замонавий турдаги чарм маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ердаги жараёнлар тўла автоматлаштирилган бўлиб, илгор ускуналар коллежи битирган ёшлар томонидан маҳорат билан бошқарилмоқда. Мухими, улар тайёрлаётган турли дизайндаги пойабзаллар харидорларга маъқул келаётди.

● ЖИЗЗАХ шаҳридаги "Бону ширинликлари" хусусий корхонасида янги қувват ишга туширилди. Бунинг учун корхона маблағидан ташқари 150 миллион сўмлик банк сармояси сарфланди. Натижада 10 нафар ёшлар ишга қабул қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунга мос равишда икки баробарга ошди.

● САРДОБА туманида гўза зараркундаларига қарши қўлланиладиган препаратлар тайёрлашга ихтисослаштирилган биофабрика фаолият бошлади. Бу лойиҳани рўёбга чиқариш учун "Агробанк"нинг Пахтабод филиали томонидан 500 миллион сўм кредит йўналтирилди. Аини пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган препаратлар фермер хўжалиқларига етказиб берилмоқда.

● ШҶРЧИ туманидаги "Шўрчи парранда" МЧЖда йилга 500 тонна парҳез гўшт ва туҳум етиштириш имкониятига эга бўлган янги линия фаолияти йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати 500 миллион сўмлик фабрикада аини пайтда 30 мингта товۇқ боқилмоқда. Корхонада парвариб жараёни компьютерлаштирилган бўлиб, савдо шохбчаларига кунига 12-13 миң дона туҳум ҳамда гўшт пешма-пеш етказиб берилаётди.

Этиборлики, вилоятда жорий йилда соҳани янада ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 17,4 миллиард сўмлик 55 та лойиҳани рўёбга чиқариш режалаштирилган.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Кичик бизнес

Хива тумани Дошёқ қишлоғида фаолият бошлаган "Хива Гефест" хусусий корхонаси қисқа муддатда ўз маҳсулотлари билан харидорлар эътиборига тушиб улгурди. Ҳозир бу ерда кунига 2 тонна сут қайта ишланиб, 5 турдаги импорт ўрнини босувчи истеъмол товарлари тайёрланмоқда.

Жамоа бу билан кифояланиб қолмоқчи эмас. Келгусида янги-янги лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириши, қўшимча иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Корхона раҳбари Аминбой Ваисовнинг айтишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имкониятлар, хусусан, солиқ имтиёзлари бунда қўл келиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ташаббус ва изланиш тараққиёт сарин бошлайди. Аини пайтда Хоразм вилоятини 11 миңга яқин кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаётгани, уларнинг яппи худудий маҳсулотдаги улуши 74,1 фоизга етиб, иш билан банд аҳолининг 78,8 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани бунга мисол бўла олади.

## Изланиш, интилиш, ташаббус

Тадбиркорнинг бизнес лойиҳаси қанчалик истиқболли бўлса, ушбу рўёбга чиқариш учун шунча мустаҳкам молиявий манба талаб этилади. Фаолият учун мос бино ёки иншоот бунёд этиш, илгор технологиялар харид қилиш, малакали мутахассисларни ишга жалб қилиш — буларнинг барчаси катта маблағ билан боғлиқ жараёнлар. Табиийки, ана шу муаммолар ечимида молия муассасаларининг хис-саси ва кўмаги катта. Масалан, ўтган йили вилоятдаги тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 156 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Эътиборлики, бу

кўрсаткич аввалги йилдаги нисбатан 1,5 бараварга кўпдир. Жорий йилда эса кичик бизнес субъектлари 167,1 миллиард сўмлик шундай сармоялар билан таъминланади. Ишбилармонлар сафи ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётгани, айниқса, қувонарли. Хусусан, ўтган йили 635 та ёш оила, касб-хунар коллежларини битирган 319 нафар йигит-қиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдилар. Уларга бошланғич сармояни шакллантиришлари учун тижорат банклари томонидан 5 миллиард сўмдан ортиқ микрокредит ажратилгани

айни муддао бўлди. Пироваврида кўплаб оилаларга барака кирди, ёш тадбиркорлар эса ўзларининг орзулари рўёбга чиққанидан мамнун.

Яна бир диққатга молик жиҳат. Ишбилармонлар ўзлари тайёрлаётган маҳсулотларни сотишда ҳам қийинчиликларга дуч келаётгани йўқ. Бунда махсус аукцион савдоларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Шунингдек, чет давлатларда уштурулаётган кўргазмалар, халқаро ярмаркаларда тадбиркорларимиз муносиб иштирок этиб, тажриба ва малака ошириб қайтишмоқда. Мисол учун, 2010-2011 йилларда Хитойда ўтказилган ана шундай тадбирлар орқали хоразмлик ишбилармонлар вилоятга 70 дан ортиқ замонавий технология келтириб, ишга туширилди. Табиийки, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган бундай эзгу ишлар иқтисодиётимизни янада юксалтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

О. ЖУМАНИЕЗОВ.

## ОАВ равнақининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Шу хусусда сўз борган анжуманда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлаш ва шу орқали фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар хусусида ҳам маълумотлар берилди. Қайд этилганидек, юртимизда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган қўнунчилик базаси яратилган. Бироқ шиддат билан ўтиб бораётган давр соҳадаги мавжуд қўнунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу маънода, Концепцияда давлатимиз раҳбари томонидан

тақлиф этилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қўнунларни қабул қилиш бугунги кунда аини заруратдир. Бу қўнунлар, тадбирда эътироф этилганидек, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда "интернет журналистика", "интернет газета" каби йўналишларнинг жadal ривожлантириш, энг муҳими, ушбу тармоқ ичидаги айрим сайтларнинг оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, аини чоғда республикада амалдаги қўнунчилик мувофиқ, 196 та веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг барчаси хусусийдир.

Шунингдек, тадбирда аини пайтда "Ўзбекистон матбуоти" Миллий форуми ва кўргазмасини иккинчи маротаба ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани тўғрисида ҳам йиланганларга маълумот берилди. Таъкидлаб ўтилганидек, унда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат босма нашрлар, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар вакиллари, соҳадаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда дунёнинг ривожланган давлатлар вакиллари ва компаниялари иштирок этиши кўзда тутилаётди.

Зиёда АШУРОВА.

## Соғлиқни сақлаш тизимининг янги истиқболлари

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Икромов бугун Ўзбекистон аҳолига қулай тиббий хизмат кўрсатиш бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторида эканини таъкидлади. Бунга кўп жиҳатдан тиббиёт муассасаларининг оптимал тармоғи яратилганлиги ва уларнинг энг илгор ускуналар билан жиҳозланганлиги туфайли эришилмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида бошқарув ва меҳнатни ташкил этишнинг илгор шакллари ҳамда услубларини жорий қилишда муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Бу борада соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғини, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини модернизациялаш, ихтисослаштирилган юқори технологияли тиббиёт марказлари тармоғини ташкил этиш жараёнида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар давомида тиббиёт ходимларининг касб маҳорати ҳам оширилди. Бунинг натижасида фуқароларимизнинг умр кўриш давомийлиги ўртача беш йилга узайди, оналар ва болалар

ўлими тегишлича 3,1 ва 3,2 баробар камайди.

Соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги инвестиция дастурлари алоҳида ўрин тутмоқда. 2011 йилда соғлиқни сақлаш муассасалари учун 136 миллиард сўм ажратилди. Сўнгги уч йил мубайнида 175 та соғлиқни сақлаш муассасасида қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ва ўтган йил якунларига кўра, 81 тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди.

Республика Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази, перинатал маркази, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент шаҳар туғуруқхона мажмуаси, Навоий, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги ОИТСга қарши кураш марказлари ва бошқалар энг муҳим объектлар сирасига киради.

Семинарда таъкидланганидек, 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури аини амалга ошириш давомида 151 тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилиш учун 256 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилди.

Белгиланган режаларга мувофиқ, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини истиқболда янада юқори ривожланиш даражасига кўтаришдаги асосий йўналишлар, мавжуд камчиликларни бар-тафат этиш бўйича билдирилган тақлифлар кўриб чикилди.

Семинарда соғлиқни сақлаш объектларини лойиҳалаштириш ва қуриш соҳасидаги асосий йўналишлар, мавжуд камчиликларни бар-тафат этиш бўйича билдирилган тақлифлар кўриб чикилди.

Семинар ниҳоясида иштирокчилар академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиожаррохлик бўлими фаолияти билан танишди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Арипов ва Б. Зокиров қатнашди.

Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири.

## Ёш иқтисодчилар форуми

### Тақдимот

Пойтахтимизда ёш иқтисодчи-олимларнинг форуми бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирилк ва идоралар вакиллари, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, шунингдек, МДҲ давлатларидан келган мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтини томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамаияти билан биргаликда ўтказилган мазкур тадбирда қатнашчилар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидладилар. Форум доирасида ёш олимларнинг тақдимотлари ҳам бўлиб ўтди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

## Қулай, сифатли ва замонавий спорт маҳсулотлари ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом вояга етишида муҳим аҳамиятга эгадир

Юртдошимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йилги ишларида янгитдан қурилаётган спорт мажмуаларини, асосан, маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини доимо таъкидлаб келадилар. Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб, бу борада ҳам зарур чора-тадбирлар ҳаётга таъбиқ этилмоқда. Эътибор беринг: агар бундан беш йил муқаддам маҳаллий корхоналаримиз томонидан болалар спорт объектларини жиҳозлаш учун зарур бўлган 120 хил инвентардан 73 тури тайёрланган бўлса, эндиликда 113 турдаги спорт жиҳозлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу хайрли ишларга мамлакатимиздаги қатор корхоналар, хусусан, Навоий металлургия комбинати, "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси, "Ўз-Тонг Хонг Ко" қўшма корхонаси, "Стеклопластик" масъулияти



чекланган жамаияти, "Азия-Спорт С" хусусий фирмаси ва бошқа бир қатор ишлаб чиқариш жамоалари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Кўргазма стендларида мазкур корхоналар маҳсулотларига кенг ўрин ажратилган. Қайд этиш жоизки, кичик биз-

нес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли спорт анжомлари, кийим-кечаклари ва инвентарлари ишлаб чиқараётган субъектлар сафи ҳам тобора кенгайиб бораёпти. Улардан бири Балиқчи туманидаги "Хуринисо" хусусий фирмасидир.

— Корхонамизда 15 турдаги спорт маҳсулотлари тайёрланади, — дейди "Хуринисо" хусусий фирмаси иш юритувчиси Нодирбек Муталипов. — Жумладан, спорт гиллавлари, чарм тўпалар, баскетбол ва теннис тўрлари бюртурмачиларга манзур бўлмоқда. Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилаётган бундай маҳсулотларнинг нархлари ҳам четдан келтирилганларига нисбатан анча арзон. Янги ҳамкорлар топиш, ўзаро тажриба алмашишда мана бундай кўргазмаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Фазлиддин АБИЛОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Реклама ва эълонлар

ЖАҲОН 24 соат ичида Рейтинг агентлиги хулосаси

Moody's халқаро рейтинг агентлиги Bank of America, Citibank, Goldman Sachs, JPMorgan Chase, HSBC, Barclays, Royal Bank of Scotland каби дунёга машҳур 15 та молия муассасасининг рейтинг кўрсаткичларини пасайтирди.



Мазкур банклар фаолиятда кузатилаётган беқарорлик ва уларнинг зарар

Иш ўринларини қисқартирмоқчи

Air France-KLM (Франция/Голландия) авиакомпанияси 2013 йилнинг охирига қадар 5 минг нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи.

Олмагонлар қочиб қолди

Япониянинг Токио шаҳридаги ҳайвонот боғида сақланаётган 30 га яқин олмагон қочиб кетган.




Бунга мазкур ҳудудда юз берган "Гучол" номли тўфон сабаб бўлган. Гап шундаки, кучли шамол тўфайли ағдарилиб тушган дарахт олмагонлар сақла-

Энг қиммат шаҳарлар

AКШнинг Mercer Human Resource Consulting компанияси сайёҳлар учун энг қиммат бўлган шаҳарлар рўйхатини эълон қилди.

«Мона Лиза» изидан

Италиянинг Флоренция шаҳрида Лиза Герардини («Мона Лиза») дафн қилинган жойини аниқлаш борасида археологик қазималар бошланди.



эмас. 2011 йилнинг апрель — декабрь ойларида ҳам археологик қазималар олиб борилиб, тадқиқот маблағ тақчиллиги тўфайли тўхтаб қолганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«KOCNMAK MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Фарғона вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Лицензия: RR-0001.

«Электрон ҳамён» деб ном олган пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилишнинг ҳар томонлама қулайлиги боис мазкур тизим тобора оммалашиб бораёпти.

Пластик карточкалар: Ишончли ва самарали

«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилояти филиали томонидан мазкур хужжатлар ихросини таъминлаш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилатгани тўғрисида маълумот берилди.

Юртимизга меҳмон бўлиб келатган чет эл фуқаролари ҳам шу каби қулайликлардан баҳраманд бўлишаётгани диққатга сазовордир.

Табиийки, сафарда кўплаб тўловларни амалга оширишга тўғри келади. Шундай пайтда пластик карточка жуда асқолади.

Жараён

Яқинда Жиззах шаҳрида янги сановат корхонаси — «Жиззах тоғ-кон кимё» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

«Жиззах тоғ-кон кимё» маҳсулотлари — экспортга

— 2012 — 2013 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари ҳудудий дастури асосида барпо этилган ушбу корхона вилоятимиз экспорт салоҳиятини оширишда яна бир муҳим қадам бўлди.

чикариш суръатини ошириш, янги маҳсулотлар тайёрлаш ни ўзлаштириш мақсадида яна иккита лойиҳа устида иш олиб бораёпти.

«Ҳамшира — 2012»

Наманганда «Ҳамшира — 2012» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танлов

Танлов асосида иштирокчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва соҳага оид билимлари ҳамда тизимли вақтларда беморларга тезкор амалий ёрдам бериш кўникмаси синовдан ўтказилди.

Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.

Advertisement for FITO SEMILLAS featuring images of corn and wheat. Text includes: Сара уруғ — юқори ҳосил гарови, Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.

«CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф этади!

Объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2011 йил 3 ноябрдаги 2-124/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган.

«KOCNMAK MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар, Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани Жиноий ишлар бўйича судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

«KOCNMAK MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Вобкент тумани СИБ томонидан, Бухоро вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 9 февралдаги 20-1102/20422-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Вобкент ё» МЧЖга тегишли, Вобкент тумани, Беруний кўчаси, 34-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 14100 кв.м., фойдалани майдони 3028 кв.м., қурилиш майдони 35047 кв.м.дан иборат 1-20 асосий ишлаб чиқариш цехи, 2-4 экстракция цехи, 3-1 пахта чигити сақлаш омбори, 4-1 ем сақлаш омбори, 5-1 қозонхона, 6-1 ўтиш жойи, 7-2 тарохиона, 8-1 маъмурий бино, 9-2 насосхона, 10-2 трансформатор биноси, 11-2 хожатхона, 12 пийшқ гишт девор, 13-14 ИТБ панель девор, 15 хом гишт девор, 16-17 бетон ҳовуз, 18 сув сақлаш биноси, 19 темир дарвозалар, 20 темир панжарали тўсиқ, 21 ёқилги сақлаш цистернаси ва 22 АСФ бетон майдони такроран қўйилмоқда.

Лицензия: RR-0001.

### Марказий Осиё кубоги – ҳамюртларимизда

Иссиқкўл (Қирғизистон)да шахмат бўйича II Марказий Осиё кубоги бахслари бўлиб ўтди.

### Шахмат

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) мусобақалари тақвимида жой олган мазкур беллашувда минтақанинг энг сара 38 нафар шахматчиси совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Қизгин ва мурасасиз ўтган турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Алексей Барсов ғолиб бўлди. У тўққиз имкониятдан етти очко тўплади. Яна бир ватандошимиз Жўрабек Ҳамроқулов эса 6,5 очко билан кучли учликдан жой олди.

Хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда барча совринли ўринларни ўзбекистонлик шахматчилар қўлга киритдилар. Хусусан, Нодира Нодиржонова олтин, Ирина Геворкян кумуш ва Сарвиноз Қурбонбоева бронза медаллари билан тақдирланди.

Эътиборли жиҳати, Сарвиноз 20 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида энг кўп очко тўплагани учун унга махсус олтин медаль ҳам топширилди. Фахрийлар ўртасидаги мусобақада эса ҳамюртимиз Владимир Егинга тенг келадиган топилмади.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, шахмат бўйича I Марказий Осиё кубоги ўтган йили пойтахтимизда ташкиллаштирилган ва унда ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ғолиб чиққанди.

Фозилдин АБИЛОВ.



### Жараён

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни ишга жалб этиш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида касб-хунар коллежлари, лицейлар битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш чора-тадбирлари белгиланиб, бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, айтиш жоизки, қутилган натижани бераётир.

## «Коллеж – корхона – битирувчи»

тизимининг такомиллашуви туфайли ёш мутахассислар муносиб иш ўрнига эга бўлишмоқда

Бахтишод Юсуфалиев Мирзаобод гидромелиорация касб-хунар коллежи битирувчиси. У вилоят гидрогеология мелиоратив инспекциясида амалиётни ўтаб, меҳнатсеварлиги билан жамоада яхши ном олган ёшлардан. — Менинг иш жойим аниқ, — дейди Б. Юсуфалиев. — Мелиоратив инспекциясида ишга кирганим. Очиги, ўзим танлаган соҳада ишлашни орзу қилганим. Бу ният амалиётни ўтаётганимда кучли хохиш-истакка айланди. Менга устозлик қилган муҳандис Рашид Қувноновдан мелиоратив техниканинг нозик сирларини ўрганим. Мана, ақин кунларда «коллеж — корхона — битирувчи» уч томонлама шартнома орқали ўзим танлаган йўналишда иш бошлайман.

— Ўқув даргоҳимизни бу йил 249 нафар ўқувчи битирди, — дейди мазкур коллежнинг касбий таълим бўйича директор ўринбосари Тимур Миргазиев. — Аҳамият-ли бўйича 12221 нафар, 4 та ака-

ятли томони, уларнинг барчаси корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузишган. Битирувчиларимизга, асосан, «Қуйи Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси корхоналари талабдор. Мисол учун, вилоят Насос станциялари энергетика ва алоқа бошқармаси 32, Гулистон «Давсувмаҳсуслудрат» давлат университети корхонаси 7, «Шўрўзак — Сирдарё» ирригация тизими эса 17 нафар битирувчини ишга олиш бўйича шартнома имзолашган.

Дарҳақиқат, бугун касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, барчанинг доимий эътиборимизда туриши зарур. Айни чоғда Сирдарё вилоятида бу борада амалга оширилаётган муайян ишлар диққатга сазовор.

— Вилоятимизда мавжуд 47 та касб-хунар коллежини 80 та йўналиш бўйича 12221 нафар, 4 та ака-



Қоҳрамон ҚУНОЗОВ олган сурат.

демик лицейни 1131 нафар ўқувчи битирди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Рустамбек Турдиев. — Ёшларнинг орзу-истаклари инobatга олинган ҳолда 792 та корхона ва ташкилот билан уч томонлама шартномалар тузилди. Бошқарма тасарруфидоги 9 та

ри билан ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳам ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Мисол учун, Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-хунар коллежга ҳоймиликка битирилган «Сирдарё» иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамияти томонидан 25 нафар

Шомурод ХОЛМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Самарқанд томонларда

Самарқанд шаҳридаги «Хунармандлар маркази»да «Самарқанд — туризм макони» корхонаси ташаббус билан юртимизда меҳмон бўлиб турган сайёҳлар учун маданият тадбири уюштирилди.

### Сайёҳлар учун миллий санъат намойиши

Унда Франция, Италия, Германия ва Грециядан келган сайёҳлар билан бирга шаҳардаги туристик фирмалар раҳбарлари ҳамда мутахассислар қатнашишди.

— Ушбу кўнгилочар тадбир Вазирлар Маҳкамасининг Самарқанд вилоятида 2011 — 2012 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва тур-

ристик экспорт салоҳиятини ошириш бўйича манзилли дастури асосида ташкил этилди, — дейди корхона раҳбари Шероз Аббосов. — Мамлакатимиз тарихи, маданияти, миллий қадрият ва урф-одатларидан хикоя қилувчи бундай тадбирларнинг шахримиздаги тарихий маҳалла ва гузарлар, бог ва хиёбонларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

### «Барҳаёт анъаналар»

Самарқандда академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги ҳаваскор санъат дасталари ўртасида «Барҳаёт анъаналар» фестивал-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар халқона терма, байт, лапар ҳамда миллий ўйинлар, анъана ва урф-одатлар акс этган сахна кўринишларини намойиш қилишди.

Яқунда Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм жамоалари ғолиб, деб топилди. Уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Тиббиёт

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини янада юксалтириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

## Саломатлик муҳофазаси

Жумладан, мазкур жамғарма ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Республика «Она ва бола» скрининг маркази ҳамда унинг минтақавий бўлиналари зарур жиҳозлар билан таъминлаш, шу орқали гўдакларни тиббий текширишдан ўтказиш, улардаги айрим хасталикларни ўз



Шерзод ҚУРБОНОВ.

вақтида аниқлаш ва соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, мазкур ташкилот 2012 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Фриденсдорф Интернетшнл» халқаро хайрия ташкилоти билан тузилган уч томонлама шартнома доирасида тўғма ва орттирилган нуқсонли бор бо-

## Тўғри ташхис ва муолажа

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида «Ўзбекистонда бачадон бўйни саратонининг олдини олишининг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Тадбирда мазкур касалликни бошланғич даврида аниқлаб, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, жамоатчилик ўртасида онкологик хасталикларнинг олдини олишда тарғибот ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Саодат УСМОНОВА.

### Назорат

Давлат божхона қўмитаси республикамизнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик моддаларининг ҳудудимизда қонунга хилоф равишда муомалада бўлишининг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирлар кўрмоқда.

## «Заҳри қотил»нинг йўли тўсилди

Хусусан, мазкур идоралар томонидан трансмилли наркотиқларнинг қонунга зид фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини ёпиш, гиёҳвандлик ўсимликлари ноқонуний экилган майдонларни аниқлаш ва йўқ қилиш бўйича махсус комплекс тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига қўра, дунё миқёсида етиштирилаётган опийнинг 93 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Бу, ўз-ўзидан, чегара ҳудудларимизда ўта хушёрлик ва огоҳлини талаб қилади. Зеро, наркотик моддаларни ташувчилар аксарият ҳолларда «заҳри қотил»ни мева-ситабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларининг кўз илғамас «бўшлик»ларида, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон тана-

си, ҳатто ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтмоқчи бўлишади. Сўнгги йилларда эса гиёҳвандлик моддалари мамлакатимиз ҳудудидан транзит тарзида ўтувчи поезд вагонларига берки-тиб ўтказишга уринишлар ҳам тез-тез кўзга ташланаётир.

Масалан, республикамиздан транзит тарзида ўтаётган «Душанбе — Москва» йўловчи поездининг тожикистонлик М. Нормаматов ва М. Тураев кузатувидаги вагонини назоратдан ўтказган божхоначилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари ундаги суяқ газ баллонни шубҳа уйғотди. Баллон текширилганда, унинг ичи 7,7 кг дан ортиқ героин моддаси билан тўлдирилгани аниқланди.

Худди шундай жиноят қорқалпоғистонлик божхоначилар томонидан

## АКТ

Янгиликлари

### Электрон нашр

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига бағишланган www.ictnews.uz сайти ишга туширилди.

### ICTNEWS



Мазкур электрон нашрда республикамиз ва хорижда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ривожлантириш дастурлари, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида эришилаётган натижалар, ахборот-таҳлил материаллари, шунингдек, соҳага оид бошқа янгиликлар кенг ёрилади.

Сайтнинг барча ахборот-таҳлил маълумотлари расмий материаллар ва статистика маълумотлари, таҳлилий ҳисоботлар, давлат органлари, корхоналар, халқаро ташкилотлар, таҳлил билан шуғулланадиган компаниялар ҳамда ишончли интернет-манбалари шарҳлари ва пресс-релизларига асосланади.

Элбек ДОЛИМОВ.

Шу йилнинг 26-27 июнь кунлари пойтахтимизда «Инфокоммуникациялар ва ахборотлашган жамиятни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

## Инфокоммуникациялар ва ахборотлашув жараёни

Тошкент ахборот технологиялари университети матбуот маркази хабарига қўра, мазкур тадбир Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамда Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилаётир. Халқаро анжуманда ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган маҳаллий ва хориқлик мутахассислар, шунингдек, халқаро экспертлар қатнашиши кутилмоқда.

Тадбирда жаҳон ахборот-коммуникация бозорининг ҳозирги аҳоли, ушбу соҳада қўлга киритилаётган ютуқлар, янгиликлар, умуман, бугунги ахборотлашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари атрафлича муҳокама қилинади.

Алишер ЭРГАШЕВ.

Ҳўжаободни Андижон, Булоқбоши туманлари билан боғлаб турувчи катта йўл бўйида «Чарос» хусусий фирмаси раҳбари Элёрбек Жўраев саъй-ҳаракати билан «Паҳлавон» ўйингоҳи барпо этилди.

### Биласизми?

Шаҳару қишлоқларимиз кундан-кун чирой очиб, кўркам тус олмақда. Энг муҳими, ён-атрофдаги ям-яшил майсазору сарвқомат дарахтлар баҳридиллигини ярайтибгина қолмай, саломатлигимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир.

## Ўйингоҳ барпо этилди

Футбол, волейбол ва баскетбол майдончаларидан иборат мазкур иншоот қурилиш учун тадбиркор томонидан 100 миллион сўм сарфланди. Сунъий қопламали ушбу майдон айни дамда спорт ихлосмандлари билан гавжум.

Эътиборлиси, бундай мўъжаз спорт иншоотлари Олтинқўл, Ибоджон туманларида ҳам қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Мактаблар ўқув йилига тайёр

Қамаши туманидаги 16-умумтаълим мактаби реконструкциядан сўнг замонавий қиёфа касб этди.



834 ўринли мазкур муассасада Шаҳрисабздаги «Обихаёт» МЧЖ томонидан 293 миллион 400 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, ўқув даргоҳи зарур жиҳозлар билан ҳам таъминланди.

Айтиш лозимки, вилоят бўйича жорий йилнинг ўтган даврида 4 та умумтаълим ва битта ихтисослаштирилган мактабда жами бир миллиард 55,9 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янги ўқув йилига тайёр қилиб қўйилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қолаверса, қораарча мевасидан тайёрланган қайнатма (1 ош қошиқ мева устига 2 стакан қайноқ сув солиб, 20 дақиқа қайнатилди) сафро ҳайдаш ва балғам кўчириш хусусиятига эгадир. Бунинг учун қайнатма 1 ошқошиқдан кунига уч маҳал ичилса, кифоя.

Маннон НАБИЕВ, дориршунос.

## Игнабаргли мўъжиза

Аслида ҳам ўсимликлар дунёси кўпгина биологик фаол моддаларни ишлаб чиқариши билан аҳамиятлидир. Ушбу фойдали моддалар бир гектар майдондаги ўрмон дарахтларидан 2 кг. микдорда ажралиб чиқадиган бўлса, арча дарахтидан улар 5 кг.гача ҳосил бўлар экан. Эътиборлиси шундаки, игнабаргли ўсимликлар салмоқли микдорда ажратадиган фитонцидлар ҳаво мусаффолигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тирик организмда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг қушандасидир. Бундан ташқари, фитонцидлар одамнинг асаб тизими ва юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, меъда-ичак фаолиятини яхшилайти ва

юқумли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Халқ табобатида Зарафшон арчаси ва сарв арча кўп қўлланилиши маълум. Унинг яшилбарг бутоқлари исирик каби тутатилса (уд-бурс усули), муаттар хид таралиб, ҳаводаги зарарли бактерияларни йўқ қилади. Яна арчанинг шоҳчаларидан дамлама тайёрланса ёки қайнатма қилиб оғиз чайилса, милқлар мустаҳкамланади, дарахтнинг мевасидан бир нечтаси истеъмол қилинса, кўз равшан тортар экан.

Юртимизда қораарча (можжевельни) ҳам ўсади. Кўркам қўрилишга эга бу дарахт тоғёнбағирларида, хусусан, Туркистон ва Зарафшон тоғ унтурлари,

дараларда кўп учрайди. Унинг меваси Шарқ табобатида кенг қўлланилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, ундан тайёрланган қайнатма томоқ оғриғи, экзема, сил, муртак безларнинг яллиғланиши, ҳалқум, хиқилдоқ ва бўнак касалликларини даволаш ҳамда олдини олишда самарали воситадир.

## ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида +19 +24 +30 +35

Бухоро ва Навоий вилоятларида +19 +24 +31 +36

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида +17 +22 +31 +36

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида +19 +24 +31 +36

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида +17 +22 +29 +34

Тошкент шаҳрида +20 +22 +30 +32

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5